2017 ЙИЛ 15 МАЙ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 100 (13.433)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ:

## СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ДЎСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 11 май куни давлат ташрифи билан Хитойга келди.**

Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлик муносабатлари кенг кўлам касб этиб, стратегик шериклик алоқалари юксак даражага кўтарилмоқда. Мамлакатларимизнинг миллий манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, жаҳондаги нуфузи юксалишига хизмат қиладиган бу алоқалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов бошлаб берган ўзаро дўстлик, мустаҳкам ишончга асосланган ҳамкорлик негизида тараққий этмоқда.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, 2010 йилдаги Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисидаги қўшма декларация, 2012 йилдаги Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма декларация, 2013 йилдаги Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги Қўшма декларация, 2014-2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури ҳамда 2016 йилда имзоланган Қўшма баёнот ташкил қилади.

Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши улкан тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ниҳоятда кенг кўламлидир. Улар узоқ муддатли истиқболда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

12 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон ва Хитой давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Президентимизни Хитойга биринчи давлат ташрифи билан самимий қутлади.

Сиз билан Пекинда учрашиб турганимдан ғоят хурсандман. Бу йил давлатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлгани ҳамкорлигимизнинг бундан кейин ҳам жадал ривожланишига замин яратади. 2016 йилда Бухорода бўлганимда менга ҳамроҳлик қилганингиз учун самимий миннатдорлик билдираман. Бугун барча соҳада ҳамкорлигимиз изчил ривожланаётгани бизни қувонтиради, деди Си Цзиньпин.

ХХР Раиси Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари янги даврга, сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўяётганини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев таклиф учун Си Цзиньпинга миннатдорлик билдирди ва бугунги музокаралар мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданиятига юксак ҳурмат кўрсатиб, 2016 йил Бухорога борганингиз, аждодларимиз қолдирган бой маданий меросга катта қизиқиш билдирганингиздан хурсандмиз. Ўзбекистон Хитойни қадимий тарих ва ноёб маданият, улкан салоҳиятга эга, жаҳон иқтисодиётининг етакчиларидан бўлган ва ўз мақсадлари йўлида қатъий бораётган мамлакат сифатида билади, деди Шавкат Мирзиёев.

Музокараларда ўзаро ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Хитой Ўзбекистоннинг ҳаёт синовидан ўтган ишончли ҳамкоридир. Халқларимиз ўртасидаги муносабатлар Буюк Ипак йўли тарихи билан чамбарчас боғланган бўлиб, миллий қадрият ва анъаналаримиз жаҳон маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, савдо алоқаларимиз дунё аҳлига ўз даврининг ноёб буюмларини тақдим этган. Бугун инсониятнинг кундалик эҳтиёжларига айланган чой, пахта, ипак, қоғоз каби маҳсулотлар уларнинг бир қисми, холос.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб 7,8 миллиард доллар миқдорида инвестиция киритган.

2016 йил якунлари бўйича ўзаро савдо айланмаси ҳажми 4,2 миллиард долларни ташкил қилди. Хитой бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари, пластмасса буюмлар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа товарларга талаб катта.

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш бўйича дастурларни амалга ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва саноатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда фаол иштирок этмоқда.

ХХРнинг етакчи саноат компаниялари билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқаларни, биринчи навбатда, юқори технологияга асосланган тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нефть-газ ва телекоммуникация тармоқларида, транспорт, тўқимачилик, кимё саноати ва бошқа йўналишларда қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хитой бизнес субъектлари Ўзбекистондаги кўплаб янги саноат корхоналари, жумладан, Деҳқонобод калийли ўғитлар, Қўнғирот сода заводлари қурилишида иштирок этди. ХХР тадбиркорлари кўмагида мамлакатимизда электр техникаси маҳсулотлари, мобиль телефонлар, қурилиш техникаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Huawei" компанияси томонидан Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон минтақаларининг телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилди. ZTE корпорацияси билан ҳамкорликда чиқарилаётган модем, смартфон ҳамда бошқа ускуналарга ички ва хориж бозорларида талаб юқори.

Марказий Осиё – Хитой газ қувурининг барча тўрт тармоғи Ўзбекистон ҳудудидан ўтган. ХХР Миллий нефть-газ корпорацияси мамлакатимизда истиқболли углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол қатнашмоқда. Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Музокараларда иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма баёнотни имзоладилар. Ҳукуматлараро техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги, халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги битимлар, умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга доир лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро ноталар алмашинуви ҳамда ветеринария ва ўсимликлар инспекцияси карантини соҳасида Англашув меморандуми, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш бўйича Англашув меморандуми, қишлоқ хўжалиги соҳасида 2018-2020 йилларга мўлжалланган идоралараро алмашинув ҳамкорлик режаси каби қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда томонлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Имзоланган ҳужжатлар, эришилган келишувлар Ўзбекистон – Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва халқларимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
*Пекин шаҳри*

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИ ХОРИЖЛИКЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи доирасида қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.***

Мамлакатимизнинг турли соҳалари вакиллари Хитойнинг етакчи компаниялари вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, Ўзбекистон иқтисодиётига юқори технологиялар ва сармоялар жалб этиш масалаларини муҳокама қилди.

**Шавкат ҲАМРОЕВ, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари:**

– Давлатимиз раҳбарининг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи давомида кўплаб соҳаларда истиқболли келишувларга эришилди. Қишлоқ хўжалигида янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича ҳам шартномалар имзоланди.

Хитойлик ҳамкорларимиз билан гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш бўйича қиймати 3 миллиард долларга яқин шартномалар имзоланди. Мазкур маблағлар, хусусан, мамлакатимизда янги насос станцияларини қуриш ва мавжудларини таъмирлашга ажратилади. Жорий этиладиган замонавий технологиялар энергиятежамкор бўлиб, кам харажат талаб қилади, самарадорлиги жуда юқори.

Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити хорижлик инвесторлар эътиборини жалб қилмоқда.

**Ли ЦЗЯНЬГО, "Sinohydro" компанияси раҳбари:**

– Ўзбекистонлик ҳамкорларимизнинг Хитойга ташрифидан хурсандмиз. Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз жадал ривожланмоқда. Биз мамлакатингизда гидроэнергетика соҳасидаги янги лойиҳалар бўйича ишлаймиз. Бу ўзининг самараларини беришига ишонамиз.

Икки давлат раҳбарларининг учрашуви Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро манфаатли ва серқирра ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ишлашимиз учун қулай шароит яратилган. Юртингиздаги бир нечта гидроэлектр станцияларни таъмирлаш ишларида иштирок этганмиз. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз", "Ўзбекэнерго" компаниялари билан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Бугун яна бир қанча янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришдик.

**Ихтиёр ФАРМОНОВ, Бухоро шаҳар ҳокими:**

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи доирасида Бухоро ва Лоян шаҳарлари ўртасида биродарлик муносабатлари тўғрисидаги меморандум имзоланди. Бу мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасида ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларининг ўзига хос ифодаси бўлди.

Хитой билан Ўзбекистоннинг серқирра ҳамкорлиги барча соҳаларда юксак самаралар бериб, халқларимиз манфаатларига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг давлат ташрифи халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

**ЎзА махсус мухбири**
**А.ЎРОЗОВ**
**ёзиб олди**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Наманган вилояти Чуст туманидаги "Паризод" тантаналар мажмуасида Тўрақўрғон, Поп, Чуст туманларидан 12 жуфт келин-куёвнинг никоҳ тўйи тантанали нишонланди. "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Президент эътибори – мурувват тадбирларида" шиори остида ўтказилган тантанада Президентимиз раҳнамолигида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, айниқса, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.**

**• Навоий вилояти Нурота туманидаги "Чашма" мажмуасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Туризмни ривожлантириш" лойиҳаси бўйича тадбир ўтказилди. Тадбир доирасида тумандаги тадбиркор ва ҳунармандлар томонидан яратилган каштачилик, зардўзлик, ҳайкалтарошлик, мармарга ишлов бериш, темирчилик, қандолат ва нон маҳсулотлари намойиши ҳамда вилоятдаги меҳмонхоналар, туристик фирмалар тақдимоти ўтказилди.**

**• Фарғона политехника институти олимлари томонидан яратилган светофор тизимини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаб турувчи электрон қурилма амалиётга жорий этилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Европа Иттифоқи кенгаши 15 июндан бошлаб ҳамжамиятнинг бутун ҳудуди бўйлаб мобиль роумингни бекор қилиш имконини берувчи охирги қонун ҳужжатини қабул қилди. Гап Европа қитъаси бўйлаб абонентларга хизмат кўрсатгани учун мобиль операторлар ўртасидаги тўловлар миқдорини чекловчи меъёрлар ҳақида бормоқда. Қонунга кўра, мобиль алоқа миллий операторлари томонидан ўз ҳудудида чет эл мобиль компаниялари мижозларига хизмат кўрсатгани учун олинадиган тўлов бир дақиқа суҳбат учун 0,032 евро ва битта смс учун 0,01 евродан ошмаслиги лозим.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикамиз ўрмон ресурсларининг бой салоҳиятидан тўла-тўкис ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, ўрмон хўжалиги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соҳага илғор илмий-техника ютуқларини жорий этиш, ўрмон хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, шунингдек, хорижий инвестицияларни янада фаол жалб этиш ва экологик туризмни ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси негизида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўлинмаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил қилинсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси таркибига киради.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ўрмон хўжалиги соҳасида ўрмон бойликларини ҳар томонлама кенгайтириш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона давлат сиёсатини юритиш;

ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини амалий назорат қилиш;

ўрмон фонди ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни самарали бошқаришни ташкил этиш, ўрмон барпо этиш, уларни қайта тиклаш, қўриқлаш, муҳофаза қилиш, ўрмонлардан оқилона ва тежамли фойдаланиш;

республикамизда ўрмонларни тиклаш ва иҳота ўрмонларини кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тоғ ёнбағирлари, жарликлар ва ташландиқ ерларда эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этиш ишлари бажарилишини ташкил қилиш;

ўрмон фондини, фауна ва флорасини ўрганиш ҳамда уларнинг қатъий ҳисобини юритиш, ўрмон хўжалигини юритиш амалиётига фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий этиш;

ўрмонларни ёнғинлардан, зараркунанда ва касалликлардан, ноқонуний дарахт кесишдан ва бошқа ўрмон қонунчилиги бузилишларидан муҳофаза қилиш;

манзарали ўсимликлар кўчатлари ва уруғларини сертификатлаш ва стандартлаштиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишни ташкил этиш;

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-5041-сонли Фармони ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Тошкент вилояти ҳокимлиги тасарруфидаги Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ва унинг таркибига кирувчи Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси, Оҳангарон ва Бурчмулла ўрмон хўжаликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимининг сув хўжалиги ташкилотлари таркибидаги ирригация ўрмон хўжаликлари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимига берилсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимига кирувчи ташкилотлар ва бошқармалар рўйхати 1-"а" иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг бошқарув ходимлари чекланган сони 48 нафардан иборат марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси тузилмаси ва вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3 ва 3-"а" иловаларга мувофиқ;

Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

давлат ўрмон хўжаликларининг намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисига ходимларнинг белгиланган штат сони доирасида марказий аппарат тузилмасига, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари ва қўмита тизимига кирувчи бошқа ташкилотлар тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий тадбирларни мувофиқлаштириш ва уни амалга оширишга кўмаклашиш Комиссияси 6-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

*(Давоми 2-бетда)*

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz
№ 100 (15.05.17)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

ўрмон хўжаликларида бир-бирига боғлиқ бўлган хўжалик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш, кўчат етиштириш, доривор ўсимликлар тўплаш, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни чуқур қайта ишлаш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

тармоққа халқаро молия институтлари грантларини жалб этиш ва экологик туризмни кенг кўламда ривожлантириш;

ўрмон хўжалиги соҳасида ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланади ва лавозимдан озод этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси таркибида қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги бошқармаси негизида Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси;

Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ўрмон хўжалиги бошқармалари ташкил этилсин.

Белгилансинки, Андижон, Сирдарё ва Хоразм давлат ўрмон хўжаликлари бевосита Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига идоравий бўйсунади.

Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларига ҳисобот беради;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари, шунингдек, Андижон, Сирдарё ва Хоразм давлат ўрмон хўжаликлари бошлиқлари вилоят ҳокимларининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5. Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ташкил этилсин.

Қуйидагилар Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва ташқи бозорлар эҳтиёжини тизимли ўрганиш асосида республикада манзарали боғдорчиликни ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

манзарали, мевали дарахтлар ва бута кўчатлари етиштириш, доривор ўсимликлар плантацияларини яратиш, тоғ ёнбағирларида, чўл ва лалми ерларда етиштириладиган, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли бўлган ўсимликлар селекцияси ва уруғчилиги бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш;

ўрмон фонди ерларининг экологик ҳолатини яхшилаш, ўрмонларни кенгайтириш ва қайта тиклаш, чўлга айланишининг олдини олиш, иҳота ўрмонлари барпо этиш бўйича самарали инновацион усулларни ишлаб чиқиш;

манзарали ўсимликлар кўчатлари етиштиришнинг илмий асосларини ҳамда истиқболли технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қурғоқчиликка, зараркунанда ва касалликларга чидамли ўсимликлар турларини танлаш, манзарали ўсимликларни районлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этишнинг илмий асосланган технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

импорт ўрнини босадиган доривор ўсимликлар уруғлари, шунингдек, манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари етиштиришни ташкил этиш;

манзарали ўсимликлар кўчатларини сертификатлаш ва стандартлаштиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитасини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига айлантириш тўғрисида" 2000 йил 7 февралдаги ПФ-2536-сон Фармони ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.А.Голишев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 11 май*

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси қошидаги Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси этиб (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) қайта ташкил қилинсин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппаратини – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Жамғарма маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларини – Жамғарма маблағлари;

Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармасини ҳамда давлат ўрмон хўжаликларини – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар;

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтини – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ва грантлар;

"Ўрмонлойиҳа" давлат унитар корхонасини, "Шифобахш" доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш марказини – бюджетдан ташқари маблағлар;

Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилигини таҳлил қилиш марказини – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари;

Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғини – Тошкент вилояти маҳаллий бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати таъминоти харажатларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида маблағ ажратилишини назарда тутсин, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппаратини молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

7. Қуйидагилар:

2017-2021 йилларда ўрмон хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этиш, тармоққа илғор фан-техника ютуқларини жорий этиш, моддий-техника базасини янгилаш, халқаро грантларни тармоққа жалб этиш чора-тадбирлари Дастури 7-иловага мувофиқ;

2017-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида ўрмон майдонларини кенгайтириш (реконструкция қилиш), кўчатлар етиштириш, доривор ўтлар йиғиш, чорва моллари учун яйлов майдонлари ажратиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича чора-тадбирлар 8-иловага мувофиқ;

2017-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ўрмон хўжаликлари кесимида ўрмон майдонларни кенгайтириш (реконструкция қилиш), кўчатлар етиштириш, доривор ўтлар йиғиш, чорва моллари учун яйлов майдонлари ажратиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича чора-тадбирлар 9 – 19-иловаларга мувофиқ;

2017-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ўрмон хўжаликлари кесимида ўрмонларни яратиш ва экиш материалларини етиштириш бўйича чора-тадбирлар 9-"а" – 19-"а" иловаларга мувофиқ;

2017-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ўрмон хўжаликлари кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш прогноз кўрсаткичлари 9-"б" – 19-"б" иловаларга мувофиқ;

2017-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ўрмон хўжаликлари кесимида асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик ва саноат маҳсулотлари етиштириш, шунингдек, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш прогноз кўрсаткичлари 9-"в", 19-"в" иловаларга мувофиқ;

2017-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ўрмон хўжаликлари кесимида доривор ўсимликлар етиштириш ва тайёрлаш прогноз кўрсаткичлари 9-"г" – 19-"г" иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига 7 – 19 иловаларда кўрсатилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини ташкил этиш юзасидан масъулият юклансин.

8. 2017-2021 йилларда ўрмон хўжаликлари томонидан манзарали ва мевали дарахтларнинг ниҳол ва кўчатларини етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 20-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари икки ой муддатда 20-иловага мувофиқ 2017-2021 йилларда ўрмон хўжаликларида манзарали ва мевали дарахтларнинг ниҳол ва кўчатларини етиштиришнинг прогноз кўрсаткичларини бажариш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси раҳбарига тасдиқлаш учун белгиланган тартибда киритсин.

9. "Агробанк" АТБга Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари, таркибий корхона ва ташкилотларига мазкур қарорда тасдиқланган Дастурни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган ставка бўйича имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда:

икки ой муддатда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, касб-ҳунар коллежларида ўрмон хўжалиги техниги мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни инобатга олган ҳолда, ўрмон хўжалиги тизими учун малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича ўқув режалар ва дастурларни танқидий кўриб чиқсин, таълим стандартлари, ўқув режалар ва дастурларни замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, белгиланган тартибда янги таҳрирда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб жорий этсин;

бир ой муддатда жадвал ишлаб чиқилсин ҳамда замонавий талаблар ва халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, касб-ҳунар коллежларида "ўрмон хўжалиги техниги" мутахассислиги бўйича ўқитиладиган махсус фанлар бўйича янги дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш ва чоп этишни таъминласин;

ўрмон хўжалиги учун кадрлар тайёрлаётган касб-ҳунар коллежларини йўналиш бўйича махсус билимга эга малакали ўқитувчилар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратсин;

ўрмон хўжалиги бўйича кадрлар тайёрлашни амалга ошираётган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини бевосита танлаган мутахассислиги бўйича ишга жойлашишига ёрдам берсин ва назоратни кучайтирсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг ўқув жараёнини ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш, зарур ўқув ишлаб чиқариш базасини шакллантириш мақсадида касб-ҳунар коллежларини 21-иловага мувофиқ шартнома асосида муайян давлат ўрмон хўжаликларига бириктириш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси бириктирилган касб-ҳунар коллежларини уларга зарур бўлган ўқув-методик материаллар, асбоб-ускуналар, авваламбор лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси билан жиҳозлаш, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги фундаментал, амалий ва инновацион давлат илмий-техника дастурларини шакллантиришда уларга қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, илмий лойиҳаларнинг киритилишини таъминласин:

республикамизнинг тупроқ-иқлим шароитларига тўлиқ мослашган ноёб манзарали, мевали дарахтлар, буталар ва доривор ўсимликларнинг касаллик ва зараркунандаларга чидамли янги, экспортбоп навларини яратиш;

ўрмон фонди ерларида дарахт кўчатларини экиш, парваришлаш, ҳосилини йиғиб-териб олиш ва бошқа агротехника тадбирларини амалга ошириш бўйича янги турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси, агрегат ва асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.

13. "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг буюртманомалари бўйича ўрмон фонди ерларида ўрмонларни кўпайтириш мақсадида дарахт кўчатларини экиш ва парваришлаш, ўрмон-мева маҳсулотлари ҳосилини йиғиб олиш, шунингдек, бошқа агротехника тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган техника, агрегат ва асбоб-ускуналарнинг белгиланган тартибда ишлаб чиқарилишини ва хўжалик юритувчи субъектларга лизинг асосида етказиб берилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ерларида ҳосилдорликни кўпайтиришга йўналтирилган шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялаш учун иҳота дарахтзорлари барпо этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни молиялаштириш манбалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклиф киритсин;

ўрмон хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, олий таълим муассасаларини ўрмон хўжалиги мутахассисликлари бўйича тамомлаган ёш мутахассисларни соҳага жалб этиш механизмини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомни;

вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари тўғрисидаги намунавий низомни;

Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси тўғрисидаги низомни;

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ҳақидаги низомни тасдиқласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уйда жойлаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини зарур телекоммуникациялар, интернет ахборот тармоғига кириш ва телефон алоқаси, шу жумладан, ҳукумат телефон алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т.Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 11 май*

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИ ВА "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизнинг ўрмон хўжалиги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, жумладан, ноёб манзарали ва мевали дарахтлар ҳамда доривор ўсимликларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда ўрмон фондининг 300 дан ортиқ ўсимлик ва 180 дан ортиқ ҳайвон турлари "Қизил китоб"га киритилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўрмон хўжалиги соҳасида кенг қамровли ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида республикамизда ўрмон фонди ер майдони ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Бугунги кунда давлат ўрмон фонди ерлари ҳажми республика умумий ер майдонининг 25,2 фоизини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида 5,3 фоиздан ошмас эди.

Ҳозирги пайтда, республикамизнинг ўрмон фонди бир неча давлат ташкилотлари томонидан бошқарилмоқда. Бу эса ўрмон фондидан самарали фойдаланишда ягона давлат сиёсатини юритиш принципига мос тушмайди.

Бундан ташқари, соҳанинг моддий-техника базаси жисмонан ва маънан эскиргани ва етарли даражада модернизация қилинмаётгани, халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грантларини соҳага жалб қилиш ишларининг сустлиги, ушбу тармоқда юқори малакали мутахассислар етишмаслиги, ўрмон қонунчилигидаги айрим меъёрларнинг амалий аҳамияти ва уларни амалга ошириш механизми йўқлиги соҳа фаолиятини ривожлантириш, ўрмонларни кўпайтириш, муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Шу муносабат билан ўрмон хўжалиги соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш ва давлат бошқарувини такомиллаштириш, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида кўзда тутилган бошқа вазифаларни ҳал этиш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва ўрмон хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қабул қилинган ҳужжатларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил қилиш йўли билан соҳани бошқариш тузилмасини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Ҳудудларда ўрмон фонди ишларини ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш, жумладан, ўрмонларни кўпайтириш, муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ҳамда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ўрмон хўжалиги бошқармаларини ташкил этиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Тошкент вилояти ҳокимлиги ихтиёридаги Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ва унинг таркибига кирувчи Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси, Оҳангарон ва Бурчмулла ўрмон хўжаликлари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тасарруфига ўтказилди.

Шунингдек, ўрмон хўжалиги соҳасига илмий ишланмалар, тавсия ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тузилмасида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази негизида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш назарда тутилган.

Қайд этилган ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига илгари юкланган вазифалар билан бир қаторда, янгидан яратилган манзарали ўсимликлар навлари кўчатлари ва экиш материалларини сертификатлаш ва стандартлаштириш, уларни етиштиришни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, жумладан, юқори қўшилган қийматли халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ушбу соҳага халқаро молия институтлари грантларини жалб этиш, ўрмон хўжалиги соҳаси ташкилотларини малакали олий, ўрта ва кичик бўғин кадрлари билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича ягона тизимни жорий этишга йўналтирилган қўшимча вазифалар юкланмоқда.

Ўрмон хўжалигини яқин истиқболда янада ривожлантириш мақсадида тасдиқланган:

Ўрмон хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этиш, илғор илмий-техника ютуқларини соҳага жорий қилиш, моддий-техника базасини янгилаш, соҳага халқаро молия институтларининг грантларини жалб этишни янада кучайтириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастури;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида 2017-2019 йилларда ўрмонлар майдонларини кенгайтириш (реконструкция қилиш), кўчат етиштириш, доривор ўсимликларни йиғиб олиш, чорва молларини боқиш учун яйловлар ажратиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича чора-тадбирлар;

2017-2021 йилларда ўрмон хўжаликлари томонидан манзарали ва мевали дарахтларнинг ниҳол ва кўчатларини, жумладан, унаби, лимон ва ёнғоқ етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга.

Чора-тадбирларни ишлаб чиқишда яқин уч йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда амалга оширилаётган ишларнинг якуний мақсади сифатида давлат ўрмон фонди ерларида, жумладан, дашт ва чўл ҳудудларида янги ўрмонларни барпо этиш, қишлоқ хўжалиги экин ерлари атрофида иҳота ўрмонларини тиклаш, республикамизда экологик муҳитни яхшилаш бўйича амалий база яратиш ишларини амалга ошириш назарда тутилди.

Республикада режали равишда писта плантациялари майдонларини кенгайтириш ҳисобига писта етиштиришни рағбатлантириш, талаб этиладиган миқдорда сифатли писта кўчатларини аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликларига етказиб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш лозимки, писта етиштиришни кўпайтириш орқали нафақат импортни қисқартириш ва валютани тежашга, шунингдек, аҳолининг писта маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириш ва пистанинг бозордаги нархини пасайтиришга эришилади.

Қабул қилинган ҳужжатлар билан олий, ўрта махсус ва профессионал давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларининг ўрмон хўжалиги тизими учун малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратилган қисмини қайта кўриб чиқиш, профессионал касб-ҳунар коллежларида кадрларни тайёрлаш, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда янги дарсликлар яратиш, ўрмон хўжалиги учун кадрлар тайёрлайдиган профессионал коллежларни малакали, махсус билимларга эга ўқитувчилар билан кучайтиришга эътибор қаратилган.

Қабул қилинган ҳужжатларда ўрмон хўжалиги тизими учун кадр тайёрлайдиган профессионал касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўзлари танлаган касб йўналишлари бўйича ишга жойлашишда кўмаклашиш ва назоратни кучайтириш юзасидан топшириқ берилган.

Ўқув жараёнини амалиёт билан узвий боғлаш, зарур ўқув ишлаб чиқариш базасини шакллантириш мақсадида ихтисослашган профессионал касб-ҳунар коллежларини аниқ давлат ўрмон хўжаликларига бириктириш юзасидан қарор қабул қилинган.

Фармон ва қарорнинг амалга оширилиши:

республика давлат ўрмон фондини давлат томонидан бошқариш самарадорлигини оширади ва соҳа фаолиятини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаради;

ўрмон ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш, кенг кўламда кўпайтиришни жорий этиш, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, саноат кўламида манзарали ва мевали дарахт ва буталар плантацияларини етиштиришни кенгайтиришни таъминлайди;

республикамизнинг тупроқ-иқлим шароитларига мослаштирилган манзарали дарахт ва бута ўсимликлари кўчатларининг янги навларини яратиш, илмий асосланган истиқболли технологияларни ишлаб чиқиш, экспортбоп кўчатларнинг янги навларини яратиш, селекция ишлари самарадорлигини оширади;

ўрмон фонди потенциалидан янада самарали фойдаланиш, ҳудудларнинг экологик ҳолатини яхшилаш, қўшимча даромад олиш ва янги иш ўринлари яратишга эришишни;

доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ҳамда уларни чуқур қайта ишлашга ихтисослашган ташкилотлар тузилишига эришишни;

истеъмол бозорининг қишлоқ хўжалиги, жумладан, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик маҳсулотлари ва халқ истеъмоли товарлари билан тўлдирилишини таъминлайди.

***Тошкентда 11-12 май кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Форумининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда ШҲТга аъзо давлатлар – Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, шунингдек, кузатувчи мақомига эга давлатлар – Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон, Беларуснинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари экспертлари, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси ва Котибияти, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.***

# ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК – ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШНИНГ ОМИЛИ

Тадбир иштирокчилари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг 2016 йил июнь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган мажлиси якунларини кўриб чиқди ва муҳокама этди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, жумладан, ШҲТ давлат раҳбарларининг шу йил июнь ойида Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтадиган учрашуви ҳисобга олинган ҳолда минтақада хавфсизликни таъминлаш, ўзаро манфаатли инвестиция ва савдо-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ШҲТни кенгайтириш истиқболлари бўйича атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистоннинг 2015-2016 йилларда ташкилотга раислиги даврида ШҲТ фаолиятининг самарадорлиги ва халқаро нуфузини ошириш борасида кенг кўламли ишлар бажарилгани таъкидланди. Ўтган йилги саммитда имзоланган ҳужжатлар ташкилотнинг устувор йўналишлардаги фаолиятини янада мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга доир амалий вазифаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда.

ШҲТ Форумининг XII мажлиси кун тартибига мувофиқ иштирокчилар ташкилотга Ҳиндистон ва Покистоннинг қўшилиши жараёнининг бошланиши 2016 йил июнь ойида Тошкентда ўтган юбилей саммитининг асосий якунига айланганини ва бу ҳеч шубҳасиз, ташкилотнинг янги марраларга кўтарилгани ва ўз фаолиятининг янги босқичини бошлаганидан далолат беришини таъкидлади. Тошкентда Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг мажбуриятлари тўғрисида имзоланган меморандумлар ШҲТни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди.

Мажлис доирасида бўлиб ўтган ялпи баҳсмунозараларда томонлар ШҲТга аъзо давлатларнинг Афғонистон муаммосини ҳал этишга асосий ёндашувларини тасдиқлади. Ушбу ёндашувларнинг асосий моҳияти шундан иборатки, Афғонистондаги қарама-қаршиликни фақат сиёсий йўл билан, бир-бири билан курашаётган томонларнинг ўзаро келишувига эришиш ва мамлакатда тинчлик ўрнатиш жараёнига афғон халқини ҳам жалб этиш орқали ҳал этиш мумкин.

Мажлисда хавфсизликка рахна соладиган анъанавий ва ноанъанавий хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича келишилган саъй-ҳаракатларни кучайтириш, терроризм, сепаратизм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, халқаро ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлашда ҳамкорликни чуқурлаштириш зарурлиги қайд этилди. Жамиятда, аввалambор, ёшлар ўртасида радикаллашувнинг авж олишига қарши курашиш, диний экстремизм, этник ва ирқий муросасизликнинг олдини олишга доир чораларни кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш ташкилотнинг дастурий мақсад ва вазифаларига эришишнинг муҳим шартларидан биридир. Форум мажлиси қатнашчилари савдо ва инвестиция соҳаларида қулай шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим, маданият ва спорт соҳаларида ҳамкорлик салоҳиятини ошириш борасида минтақавий ҳамда минтақалараро қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон вакиллари анжуман қатнашчилари учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тақдим этди. Мамлакатимизнинг иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги позицияси, шунингдек, пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Мазкур Ҳаракатлар стратегияси кенг ва очиқ муҳокамадан сўнг жамоатчилик, экспертлар, фуқаролик жамияти фаолларининг фикр ва таклифлари инобатга олинган ҳолда қабул қилингани таъкидланди. Халқнинг хоҳиш-иродасини таъминлайдиган, аҳолини стратегик муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнига бевосита жалб қилиш имконини берадиган механизмлардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган бу ҳужжат Ўзбекистон учун ноёб эканига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ушбу Стратегиянинг асосий мақсадлари ШҲТнинг хавфсизликни таъминлаш ва барқарор ривожланиш бўйича асосий йўналишлари, мақсад ва вазифаларига мос келиши қайд этилди. Ҳужжатда белгиланган мақсадларнинг ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилиши қўшни мамлакатлар билан муносабатларни янада уйғунлаштириш, Марказий Осиё минтақаси ва, умуман, ШҲТ маконида тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлаш имконини беради.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг асосий қоидаларига бағишланган тақдимотда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, бандлик масаласини ҳал этиш, соғлиқни сақлаш сифатини яхшилаш ва маҳалла ролини янада оширишга қаратилган кенг кўламли вазифаларни амалга ошириш режалаштирилаётгани таъкидланди.

Мажлис иштирокчилари тақдим этилган ахборотни ижобий баҳолади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак"лиги тўғрисидаги қатъий позицияси белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим омил эканини алоҳида таъкидлади.

ШҲТ Форуми мажлисининг иштирокчилари тинчликни сақлаш, ҳамкорликда ривожланиш ва тенг ҳуқуқли муносабатлар, халқаро ҳамжамият билан мулоқот ва алоқаларни кенгайтириш, минтақада ва, умуман, дунёда хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш учун саъй-ҳаракатларни давом эттириш зарурлиги хусусида якдил фикр билдирди. ШҲТ маконида тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик асосида ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли алоқаларни давом эттириш, шунингдек, қабул қилинаётган қарорларни амалга ошириш самарадорлигини юксалтириш муҳимлиги қайд этилди.

Мажлисда "ШҲТ мамлакатлари: ҳамкорлик тенденциялари ва истиқболи", "Бугунги шароитда ШҲТни ривожлантириш", "ШҲТ: келажак учун цивилизациялараро альянснинг тимсоли", "ШҲТ: "Бир белбоғ, бир йўл"ни ташкил этиш учун муҳим майдон", "Афғонистондаги хавфсизлик: минтақавий ҳамкорлик учун имкониятлар ва таҳдидлар", "Афғонистондаги вазиятни бартараф этиш бўйича Ўзбекистоннинг ёндашувлари", "ШҲТга аъзо давлатлар инвестициявий жозибадорлигининг имкониятлари ва салоҳияти", "ШҲТнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги: бугунги ҳолат, муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари", "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида транспорт салоҳиятини ривожлантиришдаги роли ва аҳамияти", "Туризм ШҲТ доирасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун асосий йўналиш" мавзуларида маърузалар тингланди.

Делегациялар раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг ШҲТ Форумига раислигини юқори баҳолади ва учрашувлар давомидаги меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Форум Регламентига мувофиқ, 2017-2018 йилларда Форумга раислик Қозоғистон Республикасининг ШҲТ Миллий тадқиқот маркази мақомига эга Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти жамғармаси ҳузуридаги Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсати институтига ўтиши, ШҲТ Форумининг навбатдаги мажлиси 2018 йил Қозоғистонда томонларнинг ўзаро келишувига биноан белгиланган санада ташкил этилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШҲТ Форуми мажлиси якунлари бўйича тегишли протокол имзоланди.

**(ЎзА)**

Сўз – мажлис иштирокчиларига

# ЎЗБЕКИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МУҲИМ ДАВЛАТ

***ЎзА мухбири Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Форумининг 11-12 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтган ўн иккинчи мажлисида иштирок этган ШҲТга аъзо давлатларнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари экспертлари билан суҳбатлашди.***

**Ли СИНЬ, Шанхай халқаро тадқиқотлар академияси ҳузуридаги Россия ва Марказий Осиё маркази директори (Хитой):**

– Хитой, Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонни бирлаштирган ШҲТ яқин вақтда Ҳиндистон ва Покистонни ҳам ўз таркибига олиб, янада йирик халқаро ташкилотга айланади. Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилотга қўшилиши ШҲТ учун таъсир доирасини кенгайтириш, аҳоли сонининг кўпайиши ва иқтисодий қудратнинг юксалишини англатади, халқаро муносабатларда ташкилотнинг ўрни ва ролини ошириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда фаол иштирок этишига кўмаклашади. ШҲТнинг кенгайиши, айниқса, "Бир белбоғ, бир йўл" ташаббуси доирасида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантиришга туртки бўлади. Ўзбекистон бундан буён ҳам ШҲТ доирасида долзарб масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиб, минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшади.

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон Республикасини ўзининг ишончли шериги деб билади. Сўнгги йилларда Хитой – Ўзбекистон муносабатлари сезиларли кенгайиб, ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 11-13 май кунлари Хитойга илк давлат ташрифи ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда эришилаётган ютуқлар диққатга лойиқдир. Мамлакатингизда барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси шубҳасиз, мамлакат иқтисодий салоҳияти, халқ фаровонлигини юксалтириш, халқаро майдонда Ўзбекистон нуфузини янада ошириш имконини беради.

**Фарамарз ТАМАННА, Афғонистон Ташқи ишлар вазирлигининг Стратегик тадқиқотлар маркази директори:**

– Ўзбекистон Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини қайта тиклашга ёрдам бераётган, турли ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган муҳим давлат ва ишончли шерикдир. Афғонистон Ўзбекистон асосий роль ўйнаётган улкан минтақамизнинг бир қисми ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон халқимизга елкадош бўлди, Афғонистон муаммосини ҳал этиш, терроризм, экстремизм ва наркотрафикка қарши курашиш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди. Ўзбекистондек ишончли қўшнимиз борлиги билан фахрланамиз.

Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасида сиёсат, иқтисодиёт, маданият соҳаларида доимий мулоқот ўрнатилган. Икки томонлама ҳамкорлигимиз ШҲТга аъзо бошқа давлатлар билан ҳам яқин муносабатлар ўрнатиш учун асос бўлди. Афғонистон ШҲТга аъзо мамлакатлар билан барча йўналишларда ўзаро ҳамкорликдан, жумладан, ўзига хос савдо йўлаги сифатида шаклланишдан манфаатдор.

**Фарида МЎМИНОВА, Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази директорининг ўринбосари:**

– Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Форуми халқаро тузилма фаолиятини илмий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Тошкентда ўтказилган мажлисда ШҲТ фаолиятининг барча қирралари очиб берилди. Сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, туризм, маданият соҳаларида кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Тожикистон билан Ўзбекистон яқин қўшнилардир. Халқларимиз маданияти ва анъаналари чамбарчас боғланган. Ҳамкорлигимизни барча жабҳаларда комплекс ривожлантириш жуда муҳим. Тожикистон ва Ўзбекистон иқтисодиёт соҳасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун улкан имкониятларга эга. Мамлакатларимиз транспорт коммуникациялари харажатларининг пастлиги ишлаб чиқариш кооперацияси ва инвестицион ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятини яратади. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз олдида турган стратегик вазифаларни ҳал этишда муҳим омил бўлади.

**Ҳолид Тимур АКРОМ, Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази директори (Покистон):**

– Покистон тадқиқот марказлари вакиллари ШҲТ Форуми мажлисида илк бор иштирок этгани қувонарлидир.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги муҳим давлат ҳисобланади. Мамлакатингизнинг улкан иқтисодий салоҳияти, геостратегик жойлашуви ва инфратузилманинг ривожлангани Покистон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда етиштирилаётган, мазаси ва сифати билан ажралиб турадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Покистонда ҳам харидоргир. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган саноат ва қурилиш материалларига ҳам талаб катта. Ушбу маҳсулотларни Покистонга етказиб бериш ҳажмини ошириш тўғрисида битимлар имзолаш муҳим, деб биламан.

Мамлакатларимиз туризм соҳасида катта имкониятларга эга. Покистонда Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликларини кўриш, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишни истаганлар кўп. Лаҳор ва Тошкент шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилган. Покистондан Ўзбекистонга саёҳатга келувчилар сонини янада кўпайтиришни режалаштирмоқдамиз. Покистоннинг ШҲТ оиласига қўшилиши икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш имконини беришига ишонамиз.

**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди**

***Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Шавкат Солиҳов Хитой Фанлар академиясининг "Халқаро илмий ҳамкорлик учун" мукофоти билан тақдирланди. Ўзбекистон Фанлар академиясида ана шу мукофотни топшириш маросими бўлди.***

# ЎЗБЕК ОЛИМИ ХИТОЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ

Тадбирда дипломатик корпус вакиллари, Хитой Фанлар академияси делегацияси, олимлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Иброҳим Абдураҳмонов, Хитой Фанлар академияси Шинжон физика ва кимё-техника институти директори Ли Шао ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётгани, айниқса, илм-фан соҳасида алмашилаётган ўзаро тажриба улкан самаралар бераётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институти директори Шавкат Солиҳовнинг ушбу мукофот билан тақдирланиши ҳам Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиз илм-фан фидойиларига бўлган чексиз ҳурмати намунасидир.

Академик Шавкат Солиҳов Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, оқсил кимёси, токсинлар кимёси ва биотехнология соҳасида таниқли олим. Унинг илмий фаолияти табиатдан олинган биологик актив токсинлар, ферментлар ва бошқа моддаларнинг тузилиши ва функцияларини ўрганишга қаратилган бўлиб, фанда биринчи марта Ўрта Осиё ҳайвонлари заҳарларидан токсик хоссаларга эга бўлган 50 дан ортиқ физиологик фаол оқсил ва пептидлар ажратиб олинган. Шулардан 15 модданинг кимёвий структураси аниқланган. Олим раҳбарлигида 70 дан ортиқ ўсимликдан 150 дан ортиқ фан учун номаълум бўлган полифенол табиатли биологик фаол моддаларнинг кимёвий таркиби аниқланиб, улар асосида ҳозир мамлакатимиз тиббиёт амалиётида кенг қўлланилаётган вирусларга, шамоллашга қарши ҳамда қон тўхтатувчи дори-дармон препаратлари яратилган. Пахта чигитидан госсипол моддасини ажратиб олиш ва уни катта миқёсда ишлаб чиқариш технологиясини яратишда ҳам олимнинг хизматлари катта.

– Хитой Фанлар академияси билан самарали ҳамкорлик ва иқтидорли илмий ходимларни тайёрлаш йўлида қилган хизматларимни ҳамкорларимиз юксак баҳолаганидан беҳад мамнунман, – дейди ЎзА мухбирига Ш.Солиҳов. – Ҳали қилинажак ишларимиз кўп. Йирик тадқиқот лойиҳаларини ташкил этиш ва амалга оширишни мақсад қилганмиз.

Шавкат Солиҳов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти лавозимида ишлаган кезлари, айниқса, илм-фаннинг таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашувига катта ҳисса қўшди. Академик Германия, Жанубий Корея, Россия, Хитой Халқ Республикаси сингари давлатлар илмий муассасалари билан халқаро илмий-техник дастурлар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ишларида ҳам жонбозлик кўрсатаётир.

**Моҳигул ҚОСИМОВА**

***Маълумки, давлатимиз раҳбарининг таклифи билан 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Халқни эшитиш, аҳолининг талаб ва истакларини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Шу мақсадда 2016 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.***

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

# ХАЛҚ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛАЙЛИК

Мазкур Фармонга мувофиқ, жорий йилнинг 7 февралидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Бунда қурилиш ва коммунал соҳа, уй-жой, иқтисодиёт ва тадбиркорлик, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий, суд ва ҳуқуқ, ёшлар сиёсати, маҳалла фуқаролар йиғини ва жамоат ташкилотлари масалалари сингари йўналишлар бўйича фуқаролар қабул қилинмоқда.



Фуқароларнинг жойда ҳал этилиши мумкин бўлган мурожаатлари фуқаро қабули давомида ҳал қилиб келинмоқда. Бошқа мурожаатлар тегишлилиги бўйича мутасадди давлат ва хўжалик бошқаруви органларига юборилиб, унинг ижроси қатъий назоратга олинмоқда.

Жорий йилнинг апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳар қабулхонаси фуқаролар мурожаатлари асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги раҳбарияти ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида туманларда сайёр йиғилишлар ўтказиб келмоқда.

Жумладан, шундай йиғилишлардан бири куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси томонидан М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида бўлиб ўтди. Унда фуқароларнинг Тошкент шаҳрига доимий прописка қилиш ва вақтинча рўйхатга ўтиш ҳамда паспорт, виза ва бошқа масалалар юзасидан мурожаатлари кўриб чиқилди.

Сайёр йиғилишда сўнгги олти ой мобайнида Тошкент шаҳрига доимий прописка қилиш ва вақтинча рўйхатга ўтиш ҳамда паспорт, виза ва бошқа масалалар бўйича юридик ва жисмоний шахслардан 5886 та мурожаати келиб тушганлиги таъкидланди.

Фуқаролар томонидан Тошкент шаҳрига доимий прописката ўтиш масаласи бўйича 2589 та, биометрик паспорт олиш масаласида 1278 та, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилиш ва фуқароликдан чиқиш бўйича 831 та, фуқаролик билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича 143 та, чет элга вақтинчалик ҳамда доимий чиқиш учун рухсатнома расмийлаштириш бўйича 96 та, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ватанига қайтариш юзасидан 8 та, 42 та таклиф ва миннатдорчиликлар ҳамда 899 та бошқа масалалар бўйича мурожаатлар бўлганлиги қайд этилди.

Йиғилишда йиллар давомида турли сабаблар билан шаҳарга прописка қилинолмаётган, паспорт ололмаётган фуқаролар масаласи ижобий ечим топди.

Шунингдек, Миробод туманида Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонасига аҳолидан келиб тушган мурожаатларнинг ижро ҳолати ҳамда аҳоли билан очиқ мулоқот ўтказилди.

Унда доимий яшаш жойи бўлмаган фуқаро Шоира Мамасолиевага давлат тасарруфидан уй-жой ажратиш, фуқаро Нури Ўрмонова мурожаати бўйича унга Чилонзор туманидан 2 хонали ётоқхона ажратиш, фуқаро Нозима Халилованинг мурожаати юзасидан унга Юнусобод туманидаги ётоқхонадан жой ажратиш, фуқаро Гулноз Раҳимова мурожаати асосида ўзи истиқомат қилаётган маҳалла гузари ёнидаги озиқ-овқат дўконини бириктириб бериш, фуқаро Муҳаббат Юсупованинг уй-жой масаласи юзасидан қилган мурожаати туман ҳокимлиги ҳузуридаги комиссияда кўриб чиқилиб, Сергели туманида қурилаётган уйлардан бирини ажратиш чорасини кўриш, фуқаро Зудия Ниязованинг мурожаати юзасидан унга давлат тасарруфидан ётоқхона ажратиш, фуқаро Нилуфар Зияеванинг уй-жойи бўйича қилган мурожаати юзасидан Олмазор туманидан бунёд этилаётган ва 3 ойдан сўнг қурилиши якунланадиган уйлардан бирини ажратиш чорасини кўриш, фуқаро Шоҳида Юлдашеванинг мурожаати юзасидан ер бўлаги ажратиш чоралари кўриш белгиланди. Баъзи фуқароларнинг мурожаатлари қўшимча ўрганилишни талаб этилгани боис масала жойга чиқиб ўрганилиши, Тошкент шаҳар ҳокимлигига ҳамда Халқ қабулхонасига тегишли маълумот киритилиши юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Шу каби сайёр йиғилиш Юнусобод туманида ҳам ўтказилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Реклама ва эълонлар

"Ким ошди савдо сервис" МЧЖ шуни маълум қиладики, газетанинг 2017 йил 3 майдаги № 93 сонида очиқ аукцион савдолари бўлиб ўтиши тўғрисида чоп этилган эълондаги савдо куни 2017 йил 2 май деган сўз 2017 йил 16 июнь деб ўқилсин. Маълумот учун тел: +99898 305-11-81

*Гувоҳнома №5477*

**Таъсис конференциялари:**

# ЖОНБОЗЛИК, ФИДОЙИЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИДИР

***Маҳалла – миллий қадриятлар маскани, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик бўлиб, бамаслаҳат ўтказиш, яхши, ёмон кунда елкадош бўлишдек халқимизга хос бўлган урф-одат ва анъаналар бардавом бўлган қадрли гўша.***

Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг ушбу ноёб усули қадим-қадимдан одамларимиз онгу шуурига чуқур сингиб кетган. Шундан келиб чиққан ҳолда мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нуфузини ошириш устувор вазифа сифатида белгиланиб, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ишончли таянчи бўлиб хизмат қилиши учун барча шарт-шароитлар яратиб келинмоқда.

Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида маҳалланинг жойлардаги долзарб масалаларни самарали ҳал қилишдаги ролини ошириш, уюшмага бирлашиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ўз аксини топди.

Шунингдек, мазкур Фармон билан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар Дастури ҳам тасдиқланди.

Айтиб ўтиш жоизки, тизимдаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётган мазкур Фармон асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика Кенгашида ташкилий ишлар ва услубий масалалар бўйича раис ўринбосари, шунингдек, республика Кенгаши ҳамда ҳудудий кенгашларда ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича раис ўринбосарлари лавозимларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий этиш назарда тутилган.

Бу борада жорий йилнинг 20-28 апрель кунлари шаҳримизнинг 11 та туманида таъсис конференциялари ўтказилди.

Куни кеча Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар Кенгашининг таъсис конференциясида республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши аъзоси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси, Тошкент шаҳар ҳокими, Молия, Ички ишлар, Меҳнат, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" жамғармаси, хотин-қизлар қўмитасининг шаҳар тузилмалари раҳбарлари, давлат ва нодавлат ташкилотларининг раҳбарлари, ҳудудлардаги фуқаролар йиғинларининг раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Конференцияни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди. Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган саккизта муҳим масала кўриб чиқилди. Яъни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши тузилиб, аъзолари тасдиқланди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар Кенгашининг Намунавий низоми муҳокама этилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмонов Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши раиси этиб тасдиқланди. Раиснинг биринчи ўринбосари ҳамда ёшлар ишлари бўйича ўринбосари, диний-маърифий масалалар




бўйича, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари, Кенгаш котиби тасдиқланди. Шу билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика конференциясига делегатлар сайланди.

– Юртимизда азал-азалдан маҳалла – тарбия ўчоғи ҳисобланади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини кўз қорачиғидек асрабавайлашда маҳалланинг роли ва аҳамияти беқиёсдир, – деди тадбирда сўз олган Учтепа туманидаги "Кўкча-Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собитхон Имомов. – Мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нуфузини ошириш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа сифатида белгиланиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда унинг ишончли таянчи ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди.

Биргина сўнгги беш йил ичида янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, маҳаллалар ҳамда улардаги жамоатчилик тузилмалари фаолиятига оид 20га яқин низомлар қабул қилиниб ҳаётга татбиқ этилди.

Амалга оширилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар натижасида маҳалла ноёб, дунёда ўхшаши бўлмаган тузилмага айланди, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида фаол иштироки учун мустаҳкам замин яратилди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш тақозо қилинаётган ҳозирги бир пайтда, Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони айни муддао бўлди, десак янглишмаймиз. Ушбу Фармон фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни самарали ҳал қилишдаги ролини ошириш билан бирга ёшларни она Ватанга муҳаббат, халқимизнинг кўп асрлик анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, кекса авлод вакилларининг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш каби бир қатор хайрли мақсадларга хизмат қилади.

Қайд этилган асосий вазифалар ва янги нормаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 37 та аниқ тадбирларни амалга оширишни назарда тутадиган Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Шу билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшган ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакилларига тақдим этиладиган "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишонини таъсис этиш назарда тутилди.

Фармонда ва у билан тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар дастурида режалаштирилган тадбирларнинг амалга оширилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги вазифаларни самарали бажариш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга замин яратади.

– Бу ёруғ дунёга ҳеч ким террорчи бўлиб келмайди. Бизнинг "Обиназир" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам минг афсуски диний экстремистик оқимга мойил оилалар рўйхатида айрим фуқароларимизнинг қайд этилганлигини айтиш, биз учун жуда ачинарли. Хўш, фуқароларимиз бу йўлга кириб, "нима учун?" хатоликка йўл қўйишди. Бу хатоликда бизнинг ҳам етарлича айбимиз мавжуд. "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" йўналишида ишларимиз айтарли даражада яхши йўлга қўйилмаганлигини тан олишимиз керак, – деди Шайхонтоҳур туманидаги "Обиназир" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Абдулҳай Носиров. – Бугун фуқароларимизнинг оилаларига кириб уларни қийнаётган барча муаммо ва мурожаатларини ўрганишимиз, уларга қўлимиздан келганича сидқидилдан ёрдам кўрсатишимиз зарур. Бу йил январь ойида маҳалламиздаги бир оиланинг аёли жазо муддатини ўтаб, Юртбошимиз томонидан авф этилиб, ўз оиласига қайтди. Аёлнинг уйига кириб самимий суҳбатлашиб, қилган хатоларини такрорламаслиги, саломатлигини тиклаши, ишга жойлаштириш ва уйини таъмирлашда имкон доирасида ёрдам кўрсатилди. Ҳозирда бу оила тинч-тотув яшаб, фарзандининг тўйини қилиш арафасида, биз маҳалла аҳли ва фаоллари оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тўй маросимларини чиройли қилиб ўтказишда ёрдам бериш чораларини кўрмоқдамиз. Ватан оиладан бошланади, шунинг учун оилаларимизда тотувлик, шукроналик ва келажакка ишонч ҳукм суриши биз маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, халқимизнинг орзу-ниятидир. Зеро, бу борада самимий, оқилона ва юксак масъулиятни ҳис этиб иш олиб бориш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Тадбир якунида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгашининг пойтахт аҳолисига мурожаати қабул қилинди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**


**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди**

"Аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтиришда, атроф-муҳит муҳофазасини кучайтиришда, мамлакатда экотуризмни ривожлантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ижтимоий шерикликнинг ролини юксалтириш" мавзуида давлат грантлари ажратиш учун танлов

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа-буюртманомалари қабул қилинади:**

1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талаблари бажарилиши устидан жамоатчилик экологик назоратини ўрнатиш, маҳаллаларнинг санитария ҳолатини яхшилаш.
2. Аҳоли яшаш пунктларининг қулай экологик ва санитария ҳолатини таъминловчи аниқ жамоат чораларини ва самарали механизмларини амалга ошириш.
3. Болалар, ўсмирлар, ёшлар оилавий туризмини, ёши улуғ инсонлар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш, туризмнинг ижтимоий ролини ошириш чораларини кўриш ва аҳоли ўртасида экологик туризмни ривожлантириш.
4. Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари ҳақидаги ахборотларни миллий ва хорижий ОАВларида кенг тарқатишга, мамлакат ҳудудларида глобал интернет тармоғидан фаол фойдаланган ҳолда туристик ахборот марказларини ривожлантиришга кўмаклашиш.
5. Қишлоқ жойларда ва ижтимоий инфратузилма объектларида ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг замонавий илғор технологияларини амалиётга жорий этиш.
6. Болалар ва ёшлар спортини янада ривожлантиришга шароитлар яратиш орқали аҳоли кенг қатламларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.
7. Туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга, туғруқлар оралиғини узайтиришга, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш.
8. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга, соғлом оилани шакллантиришга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.
9. Ижтимоий инфратузилма ривожига, сифатли коммунал хизматлар кўрсатишга, нуронийларнинг маиший яшаш шароитларини яхшилашга кўмаклашиш.
10. Ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маҳаллаларда санитария-экологик ҳолатни яхшилаш соҳаларида ижтимоий акциялар ва тадбирлар ўтказиш орқали аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш.
11. Соғлиқни сақлаш ва ўқув муассасаларида экологик тоза ва қайта тикланадиган энергия манбаларини янада жорий қилиш.
12. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маҳаллалар ҳудудларида, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳоли пунктларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария-экологик муҳитни яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш.
13. Ёшлар ўртасида турли юқумли касалликларнинг олдини олиш учун соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда туркум тадбирлар ташкил этиш.
14. Имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий кўникмасини таъминлаш, уларни фан, санъат ва спортнинг турли йўналишларига жалб этиш юзасидан амалий чораларни рўёбга чиқариш.
15. Оилада соғлом турмуш тарзи анъаналарини мустаҳкамлаш, "Ватан тараққиёти оиладан бошланади" шиори остидаги лойиҳаларни амалга ошириш, атроф-муҳитдаги салбий омиллар аҳоли саломатлигига зарарли таъсирининг олдини олишга кўмаклашиш.
16. Чиқиндиларни қайта ишлаш, электр энергияси ва сувни тежовчи замонавий инновацион технологияларни кенг қўллашга кўмаклашиш.
17. Аҳолининг, айниқса, ўсмир қизларнинг рационал овқатланиш, камқонликнинг олдини олиш ва бошқа соҳалардаги тиббий маданиятини юксалтириш.
18. Аҳолининг санитария-эпидемиологик вазиятдан хабардорлигини ошириш, уй ва бошқа ҳайвонлардан тарқаладиган юқумли касалликлар профилактикасига кўмаклашиш.

**Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг устави (низоми) нусхаси.
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. 3, 4 ва 5-бандларда кўрсатилган ҳужжатлар раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.
7. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар **2017 йил 10 майдан 15 июнгача** қабул қилинади.

*Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй.*

*Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.*

*Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.*


# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Мирзо Улуғбек туманидаги "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Мирзо Улуғбек туман кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар, туман кенгашлари аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, "Фаол аёллар" ва "Истиқбол" ёшлар қаноти фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Кенгаш раиси Ш.Қурбонова ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тараққиётимизнинг келгуси беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилганлигини таъкидлаб ўтишди.

Пленум кун тартибидаги "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Халқ демократик партияси олдида турган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши аъзолари кун тартибидаги масалалар бўйича ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб, ҳар бир масала бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашнинг миллий ва хорижий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.***

# ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Олий суд, Бош прокуратура, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б.Матмуродов, Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғи Б.Матлюбов ва бошқалар мамлакатимизда гиёҳвандлик ҳамда психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича зарурий чоралар олиб борилаётганлигини таъкидладилар.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида инсон саломатлиги, руҳияти, камолотига қаттиқ таъсир этувчи гиёҳвандлик ўта долзарб муаммолардан бирига айланган. Бу бало кўплаб инсонлар ҳаётига зомин бўлиб, яна қанча одамларнинг яшаш тарзини, турмушини издан чиқармоқда. Унинг касофатидан минглаб оилалар жабр кўрмоқда, неча-неча бегуноҳ гўдаклар ногирон бўлиб туғилмоқда.

Мамлакатимизда гиёҳвандлик балосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши, ушбу оғу олди-сотдиси билан шуғулланувчиларни аниқлаш ва фаолиятига чек қўйиш, трансмиллий наркогуруҳларни фош этиш ҳамда контрабанда каналларини аниқлашга қаратилган бир қатор тадбирлар ва махсус операциялар ўтказилмоқда.

Шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида гиёҳвандликка қарши иммунитет ҳосил қилиш, улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш ва тиббий маданиятни ошириш масалалари доимий эътиборда. Гиёҳвандликка оид жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот идораларининг мазкур йўналишдаги ҳамкорлиги, бу иллат билан касалланган беморларни даволаш ва шу каби бошқа муҳим масалаларнинг ҳуқуқий асослари қонунчилигимизда мустаҳкамланган.

Анжуманда гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишнинг ижтимоий хавфлилиги, ушбу жиноятга қарши курашишнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида бу каби жиноятлар учун жавобгарлик асослари, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашишни янада такомиллаштириш ва бу борада хорижий давлатлар тажрибасининг аҳамияти каби масалалар муҳокама қилинди.

Конференцияда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашишни янада такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ
UZHYMET

*Тошкент шаҳрида **16 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир, жала ёғиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **16 майда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-5229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 535

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9488 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.05

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5